СИНХРОН ТАРЖИМАНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Даминов Навруз Кудратович
Самарқанд давлат чет тиллар институти мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Мазкур мақола синхрон таржиманинг асосий хусусияларини ёритишга бағишланган бўлиб, учта хусусият ҳақида сўз боради. Синхрон таржима жараёни мураккаб жарён бўлиб, унда таржимон сўзловчидан кейин дарҳол таржима қилиши лозим. Синхрон луғавий маъноси ҳам бир вақтнинг ўзида таржима қилиш маъносини англатади. Таржима оламида синхрон таржимонлик фаолияти шунчаки касб эмас, балки яратган томонидан берилган туҳфа деган фикр ҳам мавжуд. Ҳар қандай инсон бир вақтнинг ўзида тинглаш ва гапириш қобилиятига қодир эмас, лекин синхрон таржимонлар учун бу одатий ҳолдир.

Таянч сўзлар: Кетма-кет таржима, синхрон таржима, тингловчи, бетўхтов нутқ, саммитлар, форумлар, конгресслар, цикллар, сессиялар, ресурс, изчиллик.

Annotation. This article is devoted to highlighting the main features of simultaneous translation, and it talks about three features. The process of simultaneous interpretation is a complex process, in which the interpreter must translate immediately after the speaker. The dictionary meaning of simultaneous also means to translate at the same time. In the world of translation, there is also the idea that simultaneous interpreting is not just a profession, but a gift from God. Not everyone is capable of listening and speaking at the same time, but it is normal for simultaneous interpreters.

Key words: Consecutive interpretation, simultaneous interpretation, audience, non-stop speech, summits, forums, congresses, cycles, sessions, resource, coherence.

Замонавий технологиялар асрида бирорта ҳам йирик халқаро конференсияни синхрон таржима хизматидан фойдаланмаган ҳолда ўтказиб бўлмайди, бундан ташқари, бугунги кунда синхрон таржима бўйича ўз хизматларини таклиф қилишга ва ҳар қандай миқёсдаги ҳар қандай хусусий халқаро учрашувлар учун махсус жиҳозларни ўрнатишга тайёр бўлган кўплаб ташкилотлар мавжуд. Мазкур ҳолатдан билиш мумкинки конференцияларнинг юқори тайёргарлик билан ўтказилиши кундан кунга одатий холга айланмоқда. Ва синхрон таржима ҳам таржима турлари ичида энг ёши бўлишига қарамасдан янгилик сифатида айтиб бўлмайди. Амммо айнан ўзбек тилидан ёки ўзбек тилига таржима қилиш масаласида кадрлар етишмаслиги кўзга ташланади. Барчамизга маълумки синхрон таржимадан фойдаланиш нафақат вақтни тежайди балки бир вақтнинг ўзида маълумотларнинг турли тилларда етказилишини ҳам таъминлайди. Айтилганидек ўзбек тилида бошқа тиллардаги каби синхрон таржимонларни етарли деб айтиб бўлмайди.

Таржима бу шундай жараёнки, у икки миллат, икки тил ўртасида кўприк вазифасини бажаради. Ваҳоланки, шундай экан таржимон бу икки халқнинг маданияти юзасидан келиб чиқадиган таржима муаммоларига дуч келиши инкор қилиб бўлмас ҳақиқатдир[И.М.Тухтасинов. Таржимада маданий мослашиш ҳолатлари. Хорижий филология.№2. 2017].

Синхрон таржима жараёнида юзага келадиган қийинчиликлар ҳақида гапирганда, асосий нарсани таъкидлаш керак: конференция таржимаси жараёнида синхрон таржимон энг кучли ҳиссий ва жисмоний стрессни бошдан кечиради, бу биринчи навбатда маълумотни бир вақтнинг ўзида декодлаш ва кодлаш натижасида юзага келади. Мияда юзага келадиган тез фурсатдаги тил алмашинуви мияни икки карра тезроқ ишлашга мажбур қилади.

Синхрон таржиманинг кучли томонлари ҳақида гапирадиган бўлсак, қуйидагиларни таъкидлаш керак: маърузачи нутқининг тўхтовсиз овози, кетма-кет таржима билан солиштирганда кўп вақтни тежаш, кўп сонли ишчи тиллардан фойдаланиш қобилияти. Синхрон таржиманинг асосий камчиликлари унинг юқори нархи, маълумотларнинг йўқолиши олиб келади. Маълумотлар йўқолиши турли ҳолатларда юзага келиши мумкин. Бунинг олидини олиш учун ва кисман сақлаб қолиш учун ҳам компрессиядан фойдаланиш мумкин.

Синхрон таржима қилиш натижасида олинган компрессия қилинган матнларни компрессия қилинмаган матнлар билан таққослаш йўли билан синхрон таржимада компрессия ҳажмини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Иккинчиси ёзма равишда тузилган матнларни таржима қилиш мумкин. Синхрон таржимонлар фаолияти жараёнида белгиланган тилдаги матнларнинг бўғин қийматини манба матнлар билан солиштириш компрессия қилишнинг аниқ тасаввурини бера олмайди, чунки матндан ўтиш пайтида хабарнинг бўғин қийматини ўзгартириш ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳар бир тил бирикмаси учун нутқни компрессия қилиш ҳажми маърузачининг бир хил нутқ тезлиги учун ҳар хил бўлиши сабабли, ҳар қандай тил бирикмаларида нутқни компрессия қилишни тавсифловчи маълумотларни тақдим этиш мумкин эмас. Шунинг учун биз инглиз-рус тилларининг комбинатсияси ҳақидаги маълумотлар билан чекланамиз.

Бугунги кунда ижтимоий масофанинг у ёки бу сарҳадидаги шахсларнинг табақаланиши жамиятдаги имтиёзлар тақсимотининг бир-бирига мос келмаслиги билан изоҳланади. Инсонларнинг манфаатлари ҳар бир соҳада тўқнаш келиши уларнинг вазиятга кўра иш олиб боришига сабаб бўлиши одатий холга кириб қолган.

Таржима назарияси учун социлингвистлар томонидан нутқ ҳаракатининг уч муддатли тузилиши, жумладан режалаштириш босқичи, амалга ошириш босқичи ва таққослаш босқичи, унинг мақсадини ҳисобга олиш зарурлиги тўғрисидаги қоидалар алоҳида қизиқиш уйғотади ва мотиватсия, эҳтимолли дастурлаш механизми, нутқни идрок этиш жараёнининг фаол табиати сифатида номоён бўлади.

Келтирилган фикрлардан асосийси, шахснинг ижтимоий мавқеига оид термин ва тушунчалар аслият нутқ ва таржима нутқида бевосита намоён бўлади. Ҳар қандай воқелик ёхуд нутқ тил тизимининг барча сатҳларида, лингвистик фаолиятнинг турли босқичларида турлича намоён бўлади. Бирликларнинг, шу жумладан матн ёки сўзланаётган нутқнинг маъносида ижтимоий бўлакларнинг мавжудлиги масаласи семасиологларни анчадан буён қизиқтириб келаётган бўлса, социолингвистика ва прагмалингвистикада асосий эътибор ижтимоий мавқега оид ҳодисаларнинг мулоқот жараёнидаги эгаллаб турган статусига йўналтирилмоқда.

Шу ўринда таъкидалаш жоизки, ҳар бир лингвистик унсур таҳлил ва синтез қилиниш ҳусусиятига эга ҳисобланади. Лингвистик бирликларнинг вазифалари юқорида айтиб ўтилган худди шундай анализ ва синтез жараёнида хосил бўлади ва тилда ўзига хос ўрин тутади. Ижтимоий жамиятда тилнинг тўғри йўналтирилиши муҳим аҳамиятга эга унсур ҳисобланади. Жамиятда тил ва инсон бир бутунликда ривожланади деган хулосага келиш мумкин.

Синхрон таржима таржима фаолиятининг энг мураккаб тури бўлиб, унда таржимон сўзловчидан кейин дарҳол таржима қилиши лозим. Синхрон луғавий маъноси ҳам бир вақтнинг ўзида таржима қилиш маъносини англатади.

Таржима оламида синхрон таржимонлик фаолияти шунчаки касб эмас, балки яратган томонидан берилган туҳфа деган фикр ҳам мавжуд. Ҳар қандай инсон бир

вақтнинг ўзида тинглаш ва гапириш қобилиятига қодир эмас, лекин синхрон таржимонлар учун бу одатий ҳолдир.

Синхрон таржимонлар кенг жамоадан ташкил топган конферентсиялар, саммитлар, форумлар, конгресслар каби тадбирларда фаолият олиб боради.. Синхрон таржимоннинг тўла тўкис фаолияти учун махсус жиҳозлар, яъни шаффоф ойнали овоз ўтказмайдиган кабина, залдан товушни қабул қилувчи минигарнитуралар ва микрофон кабилар талаб этилади.

Синхрон таржиманинг ҳусусиятлари. Синхрон таржима таржима усулининг бир тури сифатида унинг энг катта ўзига хос хусусияти юқори самаралиликдан иборат бўлиб, асл матн нутқи ва таржима нутқи ўртасида оралиқ вақт ўртача 3-4 сонияни ташкил этади. Энг кўпи билан эса 10 сониягача етади. Шунинг учун нотиқнинг бетўхтов нутқ сўзлаши кафолатланиб, нотиқнинг фикр-мулоҳазасига четдан ҳеч қандай таъсир бўлмайди ва нутқидан тўхтамайди. Бу эса тингловчиларнинг нутқни бутунлигича тушуниб етишларига имкон беради. Шу сабабли синхрон таржима ҳозирда дунёда одатий удумга кирган таржима усулига айланиб бўлган. Бугунги кунда дунёда 95% халқаро йиғилиш, конференсияларда синхрон таржимадан фойдаланилади.

Таржиманинг бошқа турларига нисбатан синхрон таржима бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга.

1) Биринчи хусусият - манба матни таржимасини бир вақтда, таржима ечимларини қидириш ёки танлаш ва уларни амалга ошириш, таржиманинг бошқа турларида одатда навбатма-навбат амалга оширилади. Бу жараёнларнинг уйғунлашув даражаси сўзловчи нутқининг тезлигига, асл матндаги паузаларнинг ҳажмига ва бошқа баъзи омилларга боғлиқ. Синхрон таржимани ташкил этувчи учала жараён ҳам бир нутқ аппарати фаолияти доирасида ўз вақтида уйғунлашиши билан бошқа таржима турларидаги тегишли жараёнлардан сезиларли даражада фарқ қилади.

Синхрон таржимон нутқ органларининг чекланган иштироки билан матнда ўзини вақти-вақти билан йўналтиради ва тўлиқ бўлмаган тасвирлар ва асл гапларнинг мазмунини лексик ва грамматик ташкил этиш билан тавсифланган натижаларни олади. Таржима масалаларининг ечимларини излаш ёки танлашда таржимон асосан стереотипик таржима ечимларидан фойдаланишга таянади. Таржима ечимларини амалга ошириб, таржимон аслият тилда нутқни қисман бўлсада йўқотади.

2) синхрон таржиманинг навбатдаги иккинчи ўзига хос хусусияти таржиманинг юқори тезлигидир. Сўзловчи нутқининг ўртача ва тез суръати 2-5 сония бўлган ҳолда, бу ҳаракатни бажариш билан бирга, таржимон олдинги ҳаракатни якунлайди ва кейинги маълумотларни таржима қилиши лозим бўлади. Синхрон таржимоннинг маълумотларни бошқа тилда етказиш ўртача 2-5 сония ичида давом этади. Кейинги таржима вазифаси шароитида ориентатсия ўртача 2-3 сония давом этади. Таржима ечимини излаш ёки танлаш сониянинг бир қисмида содир бўлади ва ечимни амалга ошириш 1-2 сония давом этади. Демак, ҳар 2-5 сонияда синхрон таржимон дастлабки матннинг кейинги сегменти ҳақида сўздан то иборагача бўлган мазмунни ҳосил қилади, яъни мақсадли тилдаги мос сегмент ҳақида тасаввур ҳосил қилади.

3) Сўзловчи нутқининг тезлигига кўра таржимани мослаштириш. Маърузачи нутқининг ўртача ва тез суръати билан таржимон тилни компрессия (сиқиш)ни амалга оширади, шу билан бирга матн ҳажмини беихтиёр равишда кичрайтиради, сўзловчи нутқининг мазмунига жиддий зарар етказмайди. Нутқни компрессия қилиш таржимон нутқининг нисбатан ўртача тезлигини ва таржима қарорларини амалга ошириш жараёнининг бошқа жараёнлар билан мувозанатли комбинатсиясини таъминлаш учун зарурдир. Маърузачи нутқининг тез суръати билан маърузачи матнининг ҳажми учдан бир

қисмга қисқариши мумкин. Нутқни компрессия қилиш синонимик ва уларга яқин бўлган иборалар ва жумлалар, қисқароқ сўзлар билан алмаштириш, илгари берилган маълумотларни такрорлайдиган нутқ қисмларини ташлаб юбориш ва муайян алоқа шароитида ёки нуқтаи назардан ортиқча бўлган семантик бирликларни тушириб қолдириш орқали амалга оширадиган алоқа воситасидир. Нотиқ нутқининг жуда секин суръати билан бунинг акси содир бўлади. Таржимонлар бу вақтни бўш иборалар билан тўлдирадилар, сўзловчи нутқини ривожлантирадилар. Ҳеч қандай ҳолатда буни суиистеъмол қилиш керак эмас, чунки баъзида бундай ҳаракатлар маърузачининг вазифасини бажаришга зарар етказади.

Бошқа режимларда ишлайдиган таржимонлар билан солиштирганда, синхрон таржимон аслият тилнинг ресурсларидан махсус фойдаланади, яъни: гапларнинг синтактик тузилишини соддалаштиради, чекланган ва кўпроқ стандарт жумлаларни яратади ва ёрдамчи сўзлар ҳисобига сезиларли сўзларни интенсив равишда қисқартиради. Синхрон таржимоннинг фаолияти алоҳида цикллар ва сессиялар шаклида давом этади.

Шунинг билан бирга синхрон таржима жуда катта илмийлик ва мутахассислик хусусиятига эга ва у одатда расмий халқаро конференсияларда фойдаланилганлиги сабабли синхрон таржимага ниҳоятда юқори талаблар қўйилади.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, жамиятда турли тил соҳиблари қанчалик кўп бўлса, дунё қараш ҳам турлича бўлади социолингвистик жиҳатдан бу одатий ҳол деб қабул қилиниши мумкин. Бевосита маданиятлараро муносабатлар ҳам тафовутли ва ўхшаш шаклларда бўлади. Социал фикр ҳар доим кўпчилик тамонидан ишлаб чиқилган бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Тухтасинов И.М. Таржимада маданий мослашиш ҳолатлари. Хорижий филология.№2. 2017.

2. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Тошкент. 2008:254 б.

3. Рахимов Ғ. Социолингвистиканинг долзарб масалалари. Самарқанд- 2007.- 35б

4. Швейцер А.Д. Глазами переводчика. -М., Стелла, 1996.

5. Швейцер А.Д. Перевод и лингвистика. Уч. для институтов и факультетов ин.яз. -М., Воениздат, 1973. -280 с.

6. Shaxobiddinovna, S. S. (2021, January). MODELS FOR DESCRIBING LINGUISTIC FACTS OF DEMONOLOGICAL VOCABULARY. In *Euro-Asia Conferences* (Vol. 1, No. 1, pp. 428-429).

7. Садриддинзода, С. Ш. (2021). THE RELEVANCE OF THE SEMANTIC FIELD" EVIL SPIRITS" IN MODERN LITERATURE. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, *4*(5).

8. Daminov, N. K. SIMULTANEOUS TRANSLATION INTERPRETING AS A MODERN TYPE OF TRANSLATION.

9. Kudratovich, D. N. (2023). СИНХРОН ТАРЖИМА ҚИЛИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АЙРИМ УСУЛЛАР ТАСНИФИ. *IQRO JURNALI*, *1*(2), 322-330.

10. ҚЎЛДОШОВ, Ў. БАДИИЙ ТАРЖИМА ВА МУҚОБИЛЛИК. *УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА Учредители: Общество с ограниченной ответственностью Коллоквиум*, (1), 46-50.

11. Kuldoshov, U. U. (2021). CONVERSE TRANSFORMATION IN TRANSLATION. *SCOPE ACADEMIC HOUSE B&M PUBLISHING*, 39.

12. Kuldoshov, U. U. (2022). MODERN TRANSLATION STUDIES: PROCEDURES, PRINCIPLES AND STRATEGIES. *ВЕСТНИК МАГИСТРАТУРЫ*, 111.

13. Абсаматова, Г. Б. (2022). LINGUISTIC FEATURES OF SIGN LANGUAGE AUTOMATIZATION. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, *5*(3).

14. Bakhodirovna, A. G. (2021). Sociolinguistic features of translation in different context. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, *11*(3), 350-354.

15. Daminov, N. K., & Nurullayeva, S. N. (2022). THE FEATURES OF INTERPRETING AND IT'S USE. *ВЕСТНИК МАГИСТРАТУРЫ*, *5*, 155.